

## ИШОНЧДАН КАТТА ЭЪТИРОФ ЙЎҚ

«Унда киимб айтганда раҳбар аввало ҳалол ва ишбилармон бўлиши лозим. Ишнинг кўзини билмаган раҳбар нафақат ўзининг, балки корхонанинг обрўсини ҳам гўқади.

3 бет

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Аммо қилганим мехнат қадрлашиши лозим. Чунки, бу эртанги кун мехнатининг самараси қафолатини таъминлайди. Бироқ, ишчи тег тўғиб ишласа-ю, маошини ўз вақтида ололмасачи?

4 бет

## ЭРТА ХАЗОН БЎЛГАН ГУЛ

— Ойим яхши бўп қолса, яшайман бу билан, — деди Гулсанам Зарифага. — Бўғиб ўлдириб кўяёди. Шарф ўраб олдим бўйнимга.

10 бет

## ЗИРАПЧА

Бўям бир зирапчадек нарса-де! Фақат бу ишни соққанг бажаради. Сен эса ҳеч нарса биимагандек юрaverасан. Кўп ўтмай хотинчангининг ўзи олдинга ялиниб келади.

12 бет

# Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 27-mart, № 13 (586)

## 2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

Маълумки, жорий йил юртимизда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ёшлар йили» дея эълон қилинди. Айтиши жоизки, қабул қилинган дастурда жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш каби долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб қўйилган.



ҳозирда мураббийлик қилмоқдалар. Отабек Турдиев, Равшанбек Раҳимов, Санжар Бозоровлар Республика бўйича беллашуларда бир неча бор мутлақ голибликни кўлга киритишди.

— Мен, — дейди Отабек Турдиевнинг онаси Инобатхон Хабибуллаева, — шу ишга бош-қош бўлаётган вилоят прокуратурасига катта раҳматлар айтаман. Уғлим бу спорт сирларини ўрганиб, Самарқанд вилояти очик биринчилигида фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Тўрт йилдирки, истеъдодли спортчи, вилоятда спортнинг кўкушинкай каратэ йўналишига асос солган, вилоят кўкушинкай каратэ федерацияси президенти Расулжон Раҳимовнинг шоғирдлари сафи кенгайиб, голиблик шоҳсупаларини эгаллаб келишмоқда. Масалан, О.Турдиев 2006

шишига ёрдам қилади. Уларда гиёҳвандликка, терроризмга нисбатан нафратни кучайтирса, Ватанга бўлган муҳаббатларини оширади. Мен ишонаманки, ёшларимиз орасидан ҳали Ўзбекистон, жаҳон чемпиолилар чиқади».

Прокурор ҳақ гапни айтган экан. 2006 йил 22 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган 6-Ўзбекистон чемпиолида андижонлик Ҳамидулла Абдурахмонов, Алимардон Юсупов, Сайдулло Оқйўловлар Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

— Ёшлар спортини оммалаштириш учун вилоятда барча шароитлар яратилган, — дейди вилоят прокурорининг ўринбосари Қ.Жўраев.

— Президентимизнинг «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисидаги Қарорининг қабул қилиниши ёшлар

# ҲАЁТ ИЗЛАНИШДАН ИБОРАТ

Ёшлар изланувчан, курашчан бўлади. Уларнинг қизикмаган соҳаси йўқ. Бирорта касб-корнинг эгаси бўлишдан олдин, улар албатта спорт билан ошно бўладилар. Яқинда «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисида» Президентимиз қабул қилган қарорда ҳам «ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш» алоҳида таъкидланди.

Ҳар бир ёш янгилик яратишга,

қайсидир соҳада биринчи бўлишга интилади. Расулжон Раҳимов ҳам ана шундай ёшлардан. У дастлаб кўпчилик тенгдошлари каби боксга қизиқиб, мураббий В.Бойченко кўлида бокс сирларини ўрганди. Бир қанча мусобақалар голиби ҳам бўлди. 1998 йилдан каратэнинг шатакан йўналишига қизиқиб, уни ўргана бошлади. Мураббийлар Дилшодбек Рўзиқулов, Раҳимжон Қодировлардан сабоқ олди. 2001 йили Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси кўкушинкай каратэ маркази асосчиси Ҳасан Назаровдан таълим олди. 2002 йили эса Навоий вилоятида Халқаро Каратэ Ташкилоти — ИЮнинг Президенти Кинжи Медори ҳамда ката

бўйича жаҳон чемпиони, 5-дан қорабелбоғ соҳиби Яшухара Фужихараларнинг семинар машғулотларида иштирок этди. Расулжон ҳозирда 4-кў соҳиби.

Андижон вилоятида спортнинг бу янги йўналишига 2002 йилнинг 7 сентябрида асос солинди. Расулжон Марказнинг вилоятдаги вакили этиб сайланди. Кўкушинкай каратэ дастлаб 31-мактабда бошланган бўлса, ҳозирда Андижон, Избоскан, Бўз, Асака туманлари ва Андижон шаҳрида ёшларнинг севишли спорт турига айланган. Расулжоннинг дастлабки шоғирдларидан Рафўжон Раҳимов, Санжарбек Бозоров, Мирзохид Назаров устозларнинг изидан бориб,

йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада Ўзбекистон чемпиони уновини кўлга киритди. С.Бозоров, Б.Тўхтаралиевлар эса иккинчи ўринни эгалладилар. Наманган шаҳрида «Оғусиз дунё сари» шиори остида ўтган беллашувада А.Азимов биринчи, А.Маматов иккинчи, К.Бобоқулов учинчи ўринни эгаллади.

Террорчи кўлида ҳалок бўлган Андижон шаҳар прокурори Ф.Абдурахимов хотирасига бағишланган мусобақада республиканинг барча вилоятларидан вакиллар иштирок этди. Мусобақа очилиши олдидан Андижон вилоят прокурори Б.Дехқонов шундай деди: «Спорт ёшларни чинқтиради. Уларнинг иродали, мард ва жасур ўғлонлар бўлиб эти-

учун буюк гамхўрлик бўлди, десам муболага бўлмайди. Дастур ижроси биз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари олдида ҳам катта вазифалар юклайди.

— Биз жисмонан соғлом, маънан етук бўлсаккина турли «ёшларга қарши кураша оламиз, — дейди кўкушинкай каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Сайдулло Оқйўлов.

— Юртбошимизнинг гамхўрликларидан беҳад мамнунимиз. Биз Президентимизнинг ишончини албатта оқлашга ҳаракат қилдимиз.

Андижонда истеъдодли ёшлар кўп, уларнинг сафи янада кенгайверади.

Фулмонжон ҚУЗИБОВ,  
журналист

## САРҲИСОБ

# НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

Ҳар биримизнинг даромадимиздан маълум қисми солиққа деб чегириб қолинади. Лўнда қилиб айтганда, солиқ тўлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги қарз, мамлакат равиқига, давлат хазинасига қўшишимиз лозим бўлган улушдир. Фуқаролик нуқтани назаридан эса солиқларни вақтида тўлаш бурчимиздир. Тинч, осуда турмуш кечиринимиз, сийҳат-саломатлигимиз, фарзандларимиз таълим-тарбияси, кексаларимизга тўлавадиган пенсия сизу биз тўлайдиган солиқларга боғлиқ. Фуқароларимизнинг ақсарияти солиқларни вақтида ихтиёрин тўлайди. Бироқ солиқлар аҳамиятини тўри тушунамасдан, уни тўлашни пайсалга солаётган ёки ундан бўйин товламақчи бўлганлар учраб турибди. Бундайларга қарши қонуний чоралар қўришмоқда.

Маълумки, Департамент органларига солиқ тўлашдан бош тортиб даромад ортираётган шахсларни аниқлаш, акция солиғи солинадиган маҳсулотларнинг қонунсиз ишлаб чиқарилиши ҳамда солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, «хуфёна» икти-содибётга қарши курашиш вазифалари юклатилган. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2007 йил жиноятларни бевосита тезкор-тахлилий йўллар билан аниқлашга асосий эътибор қаратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида бюджетга 162,9 млрд сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, унинг 66,2 млрд. сўми давлат бюджетига ундири-

лиши таъминланди. Айтиш мумкинки, бу билан Департамент фаолиятидаги энг юқори кўрсаткичларга эришилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 5917 та жиноят ва 2358 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фож этилди. Хусусан, Эрон Ислому Республикасида фаолият кўрсатган «Соде-рот» банкининг Тошкент шаҳридаги филиали мансабдор шахслари солиққа тортиш базасини суный камайтириб, 435 млн. сўм миқдордаги солиқларни қасддан тўламаган.

«Файр Бизнес» МЧЖ таъсисчилари З.Ширяева ва И.Исмоиловлар эса импорт қилган товарларининг нарҳини суный равишда ка-

майтириш йўли билан 497,8 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланганлар.

Хорижий валюта билан боғлиқ 638 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 12,7 млн. АҚШ доллари, 26,6 млн. Россия рубли ва бошқа чет эл валюталарининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Ноқонуний муомалада бўлган 619,6 минг АҚШ доллари, 397,1 минг Россия рубли, 2,5 млн. Қозоғистон тенгеси, 74,8 минг Қирғизистон соми олиб кўйилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида фуқаролар Г.Каримов ва Ф.Искандаровлар 15 минг АҚШ долларини Қ.Мусабековга 20,1 млн. сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Жиноятлар таҳлили «Қора бозор» да ноқонуний муомалага киритилган чет эл валютасининг асосий манбааларидан бири банк муассасалари айрим мансабдор шахсларини ноқонуний хатти-ҳаракатида эканлигини кўрсатди. Чунончи, Миллий банкдан 60,4 минг, «Пахтабанк»дан 49,4 минг, «Туронбанк»дан 35,9 минг, «Ипотекабанк»дан 31 минг, «Халқ банки»дан 12 минг, «Микрокредитбан-

к»дан 6,6 минг, «Савдогарбанк»дан 4 минг, жами банк ходимлари томонидан 199,3 минг АҚШ доллари ноқонуний айирбошлангани аниқланди.

Мисоллар билан айтадиган бўлсак, «Ипотекабанк»нинг Мехнат филиали кассири Ш.Абдиев 10 минг АҚШ долларини 12,6 млн. сўмга, Қосон туманидаги «Вестерн юнион» пул жўнатиш шахобчаси кассири Н.Холдаров 2 минг АҚШ долларини 2,7 млн. сўмга ноқонуний сотганида кўлга тушдилар.

Чет эл валютасида ҳисоб-китобни ноқонуний амалга оширган ҳуқуқбузарлардан 597,4 минг АҚШ долларилар ва 322,3 млн. сўмлик товарлар олиб кўйилди.

Хусусий тадбиркор А.Бекмирзаев 3 минг дон «МТС» тўлов картчаларини фуқаро С.Ҳасановга 11 минг АҚШ долларига ноқонуний сотганлиги аниқланди.

Шунингдек, олтин ва бошқа қимматбаҳо жисмларнинг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирларда 697,2 гр. олтин, 3 дон олтин танга, 1938 дон олмос (бриллиант) тошлар олиб кўйилди.

(Давоми 2-бетда).

майтириш йўли билан 497,8 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланганлар.

Хорижий валюта билан боғлиқ 638 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 12,7 млн. АҚШ доллари, 26,6 млн. Россия рубли ва бошқа чет эл валюталарининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Ноқонуний муомалада бўлган 619,6 минг АҚШ доллари, 397,1 минг Россия рубли, 2,5 млн. Қозоғистон тенгеси, 74,8 минг Қирғизистон соми олиб кўйилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида фуқаролар Г.Каримов ва Ф.Искандаровлар 15 минг АҚШ долларини Қ.Мусабековга 20,1 млн. сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Жиноятлар таҳлили «Қора бозор» да ноқонуний муомалага киритилган чет эл валютасининг асосий манбааларидан бири банк муассасалари айрим мансабдор шахсларини ноқонуний хатти-ҳаракатида эканлигини кўрсатди. Чунончи, Миллий банкдан 60,4 минг, «Пахтабанк»дан 49,4 минг, «Туронбанк»дан 35,9 минг, «Ипотекабанк»дан 31 минг, «Халқ банки»дан 12 минг, «Микрокредитбан-

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Қалбаки пул муомаласининг олдини олиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Олиб борилган тадбирлар натижасида қалбаки 2,4 минг АҚШ доллари, 1620 дона 1000 сўмлик купюралар олинди. Жиззахлик хусусий тадбиркор Н.Холжигитов «Меҳнат» техник маркази раҳбари Н.Масловдан бульдозерни ижарага олиб, унга қалбаки 2,3 минг АҚШ долларини ижара ҳақи сифатида тўлаган. У қалбаки пуллари муомалала қўлагани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш, асосан иккита омилдан иборат, яъни қонуннинг мукамаллиги ва унинг тўғал ижроси. Бироқ ўтказилаётган тадбирларда

тариқасида олганда ушланди.

Афсуски, маҳаллий ҳокимият идораларининг айрим мансбдорлари томонидан хизмат вазифаларининг суистеъмол қилиниши ноқонуний тадбиркорлик фаолиятига шароит яратмоқда.

Бўз туман ҳокимининг ўринбосари Р.Саидов «Усмонова Зибдагон Барақаси» фирмасига қалбаки ҳужжатлар асосида улгуржи савдога рухсатнома берганлиги оқибатида, фирма раҳбари З.Усмонова 164,2 млн. сўмлик товар айланмасини ноқонуний амалга ошириб, 4,9 млн. сўм солиқларни қасддан тўламаган ва савдолан тушган 73,5 млн. сўмини нақдлаштирган.

Шунингдек, айрим солиқ ходимлари-

да ўсимлик ёғини иширин равишда ишлаб чиқариб келган қорақўллик М.Бобоевнинг фаолиятига чек қўйилиб, ундан 2,5 тонна чигит, 530 кг. кунжа, 108 литр ўсимлик ёғи олиб қўйилди.

Товарларнинг ноқонуний импорти бўйича 1595 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 6,5 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Чунончи, Сирғали туманида «Мерседес-Бенц-330» русумли, давлат рақами 11 АС 640 бўлган автобус кўздан кечирилганда, унинг юкхонасида ноқонуний импорт қилинган 62 млн. сўмлик ҳужжатсиз товарлар сақланаётганлиги аниқланди.

Шайхонтоҳур туманида эса фуқаролар А.Рустамов ва А.Алимхановлар ноқонуний импорт

иш цехи бошлиғи О.Шерлиев, тайёр маҳсулотлар омбори мудир О.Бекчанов, қўриқлаш бўлими милиционерлари Э.Матқурбон, М.Сапаев ва бошқалар жиноий гуруҳ бўлиб, шиша идишларга метёрдан 35-40 грамм кам ароқ қуйиш йўли билан 8,2 минг литр ароқни «иктисод» қилишган. Шу йўл билан акция маркисиз 16,4 минг шиша 21 млн. сўмлик ароқ ишлаб чиқариб, ноқонуний муомалала киритганлиги аниқланди.

Хулоса шуки, оқибатини ўйламай иш тутишнинг охири яхшилик билан тугамайди. Бунга юқорида келтирилган ҳолатлар ҳам мисолдир. Даромад топиш илнжидда ноқонуний ишга қўл ураётганлар сири фош этилапти. Солиқлардан қочиб, яширин цех очганлар,

## НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

айрим мансбдор шахслар томонидан хизмат вазифаларининг суистеъмол қилиниш ҳоллари учраб турибди. Департамент органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган тадбирлар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига пурут етказган, хизмат ваколатларини суистеъмол қилган 204 нафар банк, 25 нафар маҳаллий ҳокимият, 12 нафар солиқ органлари ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Коррупциянинг энг ижтимоий ҳавфли кўриниши порахўрликдир. Бунга қарши курашиш борасида олиб борилган тадбирларда 18 нафар мансбдор шахсларнинг пора олганлиги фош этилди. Чунончи, Мирзабод туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари ўринбосари Б.Исроилев электр ҳисоблагич кўрсаткичини камайтириш эвазига Р.Дўсановдан 300 минг сўми пора

нинг тадбиркорлар билан жиноий тил бириктириб, бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етказилаётганига сабабини бўлишаётгани жуда ачинарли ҳолидир.

Чунончи, Андижон шаҳар ДСИ бош инспектори Р.Эргашева «Шарқ мезон саноят» МЧЖ раҳбарлари билан тил бириктириб, «Андижон ёғ-мой» корхонасининг бюджет олдиданги солиқ қарзлари тўғрисида тўланганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузилганлиги оқибатида 12,5 млн. сўмлик солиқлар тўланмасдан талон-торож қилинган.

Департамент органлари томонидан аширин иқтисодиётга қарши кураш борасида ҳам кескин чоралар кўрилмақда. Мақсад сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва истеъмолчиларга яроқсиз маҳсулотлар соти-дишининг олдини олишдир. Ўтказилган тезкор тадбирларда 630 та яширин цехлар фаолиятига барҳам берилди. Жумладан, ўз уйи-

қилинган 55,2 млн. сўмлик телевизорларни сотиш мақсадида олиб кетаётганида ушланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ҳамон этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалала киритиш давом этаётгани афсусландир. Бу йўналишда 1510 та жиноят иши қўзғатилиб, жами 638,7 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. Масалан, Фарғона вилоятидаги «Осиё шароб савдо» корхонасига қарашли 12-савдо дўкони сотувчиси З.Кимсанов ҳужжатсиз 6,6 млн. сўмлик алкоғолли маҳсулотларни сотаётганида ушланди.

Хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш бўйича ўтказилган тадбирларда «иккиламчи» маҳсулотларни саноят қўламиди ишлаб чиқариб, ноқонуний муомалала киритиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар ҳам фош этилди.

Жумладан, Хоразм вилоятидаги «Урганч шароб» корхонаси раҳбари С.Муротов, қуй-

мамлакатимизга тартибга зид ҳолатда товар олиб кирганлар қўлга тушиб шарманда бўлишмоқда. Лекин, ҳалқимизда «касалини даволандан кўра, унинг олдини олган яхшироқ» деган нақд бор. Шу боис ҳам, республика аҳолисининг турли қатламлари орасида бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 33 минг 254 та кенг қаровли ҳуқуқтартиботи тадбирлари ўтказилди. Хусусан, телевидение имкониятларидан самарали фойдаланилиб, 3578 та чиқишлар қилинди.

Мақсад тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашдир.

Гулчехра РАЗЗОКОВА,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаментининг матбуот  
гурӯҳи катта инспектори

Ўтган йил кузда Фарғона вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимлиги пиллачилиқни ривожлантириш, хом ашё етиштиришни кўпайтириш хусусида қарорлар қабул қилинган эди. Шунга кўра туманида 2008 йил 143 тонна пилла етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузиш билан бирга 38 гектар майдонда тутзорлар ташкил қилиш, 114 минг дона тут кўчатлари экиш режалаштирилди. Бу ишни ташкил этиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, «Водил пилла» МЧЖ, ўсимликларни ҳимоя қилиш отря-

экиш, мавжуд тутзорларга агротехник ишлов бериш тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Ўтган йили шартномаларни бажармаган, режадагидан кам пилла етиштирган ёки ипак хом ашёсини умуман топширмаган фермер ва фуқароларнинг етказган зарари ҳисоби чиқарилмаган. Шартнома шартларини бажармаган фермер ва фуқароларга олдиндан ҳосил етиштириш учун берилган тўловларни ундириб олиш чоралари кўрилмаган.

Энг ачинарлиси, шартномаларда

юборилгани аниқланди.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири умуман эътибордан четда қолгани шунда ҳам кўринадикки, туман бўйича тутзорлар, тут қаторлари, тут плантациялари, дарахтларнинг ҳосили юриштирилмаган. Айрим ММПлардаги алмисоқдан қолган маълумотлар ҳисобига кундаги асл ҳолатдан йироқ, Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, «Водил пилла» МЧЖ раҳбар ва ходимлари ҳамда фермерлар бу борадаги вазифаларига ўта совуққонлик билан қараб, тут дарахтлари-

## Ҳуқуқбузарликларга барҳам берилмоқда

Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси Эликқалъа туман бўлими томонидан соғалга оид бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўтган йил давомида 21 та текшириш ўтказилган бўлиб, шундан 13 тасида жиноят, 7 тасида маъмурий ишлар қўзғатилди.

Ўтказилган текширувлар ва қўзғатилган жиноят ишлари бўйича 26,2 млн. сўм миқдорда қўшимча солиқ ҳисобланиб, жами 9,9 млн. сўм молиявий жарима қўланилди. Етказилган 5,4 млн. сўмлик зарар тўлиғича ундирилиб олинди.

Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича давлат бюджетига 33 млн. 249,3 минг сўм пул маблағи туширилди.

Кейинги пайтларда ноқонуний йўллар билан спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлар сопилишининг олдини олиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Учта ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, далалий ашё сифатида 207,7 минг сўмлик спиртли ичимликлар, 191,2 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари вақтинча олиб қўйилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш чора-тадбирлари туғрисидаги ҳуқуқмағмининг қарори ижросини таъминлаш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида 14 млн. 703 минг сўм пул банкка топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатиш юборилганлиги аниқланиб, тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди. Қонунбузарларга энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдорда молиявий жарима қўланилди.

Яширин цехлар фаолияти ҳам департамент ходимлари назаридан четда қолмапти.

Тумандаги Сарабий овул фуқаролар йиғини ҳудудиди яшовчи фуқаролар Ш.Хурат Якубов ва Мирзабой Якубовлар ноқонуний равишда қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Улар электр тармоғига ҳам ноқонуний улашиб, давлатга 268,8 минг сўм зарар етказишган.

Аҳмад МАШАРИПОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Эликқалъа туман бўлими  
бошлиғи

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

ди, муқобил МТП ва фермер хўжалиқларининг зиммасига юклатилди. Бироқ... Ўтган давр мубайнида қарор ижросига масъул идоралар бу ишни бажармасдан келаётганлиги аниқланди. Жумладан, 2008 йил 1 январига қадар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, «Водил пилла» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбарлари фермер хўжалиқлари ва тайёрлов корхоналари ўртасида контрактация шартномалари тузилишини таъминламаган.

Шунингдек, Фарғона пилла наслчилик МЧЖ, Фарғона тут ипак кўрти уруғчилик МЧЖ, Қўқон шаҳридаги «Саодат М» уруғчилик МЧЖ билан шартномалар тузиш пайсалга солиб келинган. Тут кўчатларини

кўзда тутилган хом ашёни етказиб берган пиллакорларнинг ҳақлари тўлиқ тўланмаган. Бу асосли эътирозларни келтириб чиқариб, келгуси мавсум шартномаларини тузишда муаммоларни туздирган.

Баъзи тугчиликка ихтисослаштирилган ёки ҳудудда тутзори бўлган фермер хўжалиқлари гаирқонуний тарзда фаолият йўналишини ўзгартириб, тут дарахтларини кесиб сотган ёки фуқаролар томонидан кесиб кетилишига йўл қўйган. Хусусан, туман ер ресурслари идораси ходимларини жалб этиб, «Шаҳод Баҳоидир Умиди» фермер хўжалигидаги тутзор ҳолати кўздан кечтирилганда, асосиз равишда 0,5 гектар майдондаги дарахтлар кесиб

нинг ўтинга кесиб, талон-торож қилинишига йўл қўйишган.

Пилла режасини адо этиш, қўзланган ҳосилни етиштириш учун аввало контрактация шартномалари тузишни охирига етказиш, ипак кўрти озукчаси — тут баргини етиштиришни кўпайтириш лозим. Янги кўчатларни экиш учун ер майдонлари ажратиш, тугчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларини кўпайтириш, бошқа йўналишга ўтишларининг олдини олиш, мавжуд дарахтларни санокдан ўтказиш, қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимонома киритилди.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,  
Фарғона туман прокурори

## Манмансираш оқибати

Инсоннинг кишилар орасида ҳурматини оширувчи, улдуловчи жаҳат унинг ақли ҳушлиги, керак вақтда ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсата билишидир. Модомки, унда бу фазилатлар йўқ экан, у ҳолда бошқаларга зиён-заҳмат етказишдан тийилиши лозим. Аке ҳолда кишилар наздида ўзи ҳақида ҳеч қандай яхши-фикр қолдира олмайд.

Қаҳрамонимиз Эшмурод Тоғаев (исмлар ўзгартирилган) ҳам бир лаҳзалик манманликка берилиши оқибатида кишилар наздида ёмонотликқа айлиниб қолди.

Эшмурод 2007 йилда Фарғона вилояти Кува тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан муддатли ҳарбий хизматга қақи-

рилган эди. У аскарлик бурчини Навоий вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида бинойидек ўтаб келаётганиди. Аммо у хизмат қилаётган қисмга ундан олти ой кейин келган ёш аскарларни кўрганда негариб «катта»лиги тутиб кетарди. Уша кун ҳам худди шундай бўлди. Белгиланган постда соқчилик хизматини ўтаб турган Эшмурод Тоғаев қоровулхонага келиб, ўзидан кейин келган хизматдоши Искандар Фофуровга ишларини ювиб қўйишни буюрарди. Тоғаевга ҳеч қандай тобелиги бўлмаган Фофуров эса бундан рад элади. Натижада «катта ака»нинг жаҳди чиқиб, гапини икки қилган «ука»нинг юзига мушт туширади...

Бу иши билан Э.Тоғаев аввало, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қанча моддаларига хилоф иш тутган эди. Искандар ҳам андиша қилиб, бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмоқчи ҳам эмас эди-ю, бироқ...

Орадан бир неча кун ўтса ҳам Искандарнинг жағи оғриш босилмайд. Қайтага кундан-кун оғриқ зўрайиб бороверади. Хавотирга тушган аскар бу ҳақда гуруҳ раҳбарига айтишга мажбур бўлади. Гуруҳ раҳбари уни ҳарбий қисмининг тиббиёт бўлимига олиб келади. Лекин бир неча кунлаб муолажа олсада қулоқнинг оғриғи тўхтамайди.

Фақат рентген натижаларидан сўнг Искандарнинг пастки жағ суяги синганлиги аниқланди. Сўраб-суриштирувлардан сўнг унинг жағини олдий аскар Эшмурод Тоғаев уриб синдиргани маълум бўлди.

Э.Тоғаев судда бир лаҳзалик жаҳдга эрк берганлигини ва бунинг оқибатида бир инсон соғлиғига зиён етказганлигидан афсусда эканлигини бошини ҳам қилиб таъкиллади.

Лекин жиноятга жазо муқаррар. Суд томонидан унга нисбатан қонуний жазо белгиланди.

Фахриддин БЕҒАШЕВ,  
Навоий ҳарбий прокурори



## САҲИРАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР СЕРГЕЛИ ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

Халқимиз гузал байрамимиз Наврўзни кенг нишонламоқда. Баҳорни соғинган дехқонларимиз далаларимизга «барака уруғи»ни қалаётган бўлса, шаҳар аҳли ободонлаштириш ишларини давом эттиришяпти. Юртимизнинг қайси бир гўшасига қадим рақибда қилманг, халқимиз яратиб иши билан машғулдигининг гувоҳи бўласиз. Бу манзараларни кўриб қалбингиз қувончга тўлади. Байрамларнинг байрамларга улашиб кетишида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталикнинг ўрни бекиёс. Тинч ва оқойишта юртга байрамлар ярашади.



## Ишончдан катта эътироф йўқ

Фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, туманимиз ҳудудида 150 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Фуқароларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, ИИБ билан ҳамкорликда муайян ишлар қилинмоқда. Мактаб ва коллежларда юзма-юз мулоқотлар уюштириляпти. Мақсадимиз — уларга нафақат ҳақ-ҳуқуқларини ўргатиш, балки зиммасидаги масъулиятни ҳис қилишни ҳам ўқитириш.

Туманимизда 33 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ҳеч биримиз ҳаётимизни маҳалларсиз тасавур қила олмаймиз. Яхши кунимиз ҳам, ёмон кунимиз ҳам маҳалла билан ўтади. Шунинг учун улар билан алоқаларимиз анча мустаҳкам.

Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари учун прокуратуранинг эшиклари доим очик.

Энди бевосита фаолиятимизнинг айрим қирраларига тўхталадиган бўлсам, ўтган йилги ишларимиздан анча кўнглимиз тўди. Лекин бу барча муаммолар бартараф этилди, дегани эмас, албатта.

Туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2007 ва 2008 йилнинг 2 ойи давомида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ушбу йўналишда жами 23 та текширишлар ўтказилган бўлиб, натижасига қўра қонунбузилиш ҳолатларини кўриб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида 33 та тақдимнома, ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш тўғрисида 11 та протест киритилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида 382 нафар шахсга

огоҳлантириш берилди, 52 нафар шахс интизомий, 112 нафар шахс маъмурий, 8 нафари моддий жавобгарликка тортилди ва 1 млн. 972 минг сўмлик етказилган зарар ундирилди. Судларга 73 млн. 914 минг сўмлик 173 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 24 та жиноят иши қўзғатилди.

Бугунги раҳбар қандай бўлиши керак? Бу саволга ҳар ким ўз фикрини билдириши мумкин. Лекин дунда қилиб айтганда раҳбар аввало ҳалол ва ишбилармон бўлиши лозим. Ишонинг кўзини билмаган раҳбар нафақат ўзининг, балки корхонанинг обрўсини ҳам тўқади. Натижада корхона таназзулга юз тутиб, иш-ҳақлари ҳам ўз вақтида берилмайди. Ходимларига маошини ўз вақтида бермаган ташкилотда ким ишлайди дейсиз?

Туман прокуратураси томонидан корхоналар ҳамда ҳўжалик

юртувчи субъектларда иш ҳақларининг берилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқат қарорлари талаблари ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Кўрилган чоралар ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризалари киритиш орқали туманда иш ҳақидан қарздорлик пасайиб боришига эришилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 3 та корхонанинг 5 млн. 891 минг сўмлик иш ҳақидан қарзлари мавжуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилнинг 1 март ҳолатига 16 минг 72 сўмини ташкил қилган.

Шунингдек, муддати ўтган кредиторлик қарздорлик аҳволи таҳлил қилинганда, ушбу кўрсаткич 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 3 та корхонада 932 млн. сўмини ташкил қилган. Мазкур қарздорликдан 872 млн. сўми «Тошшаҳарнур» ДУК корхонасига, 21,5 млн. сўми «САР Авиакомпанияси»га те-

гишли қарзлар эканлиги аниқланган.

Ушбу муддати ўтган кредиторлик қарздорлигининг ҳосил бўлиши мунтазам таҳлил қилиб борилиб, тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишида ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, Сергели туманида яшовчи В.Гараева ва бошқаларнинг туман прокуратурасига ёзган аризаси ўрганиб чиқилганда,

ҳудудда фаолият юртувчи «Файзли меҳнатқаш» ХУЖМШ раҳбари Г.Саидова ширкатда ишламаган ходимларга ойлик иш ҳақи ёзиб ўзлаштириб юборганлиги, фуқароларнинг мурожаатларига эътибор берилмаётгани аниқланди. Бу ҳолатлар фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан Г.Саидовага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва иш тегишли судга юборилди.

Мақсадимиз ёрдам сўраб келган ҳар бир фуқаронинг мурожаатини ўз муддатида ҳал қилишдир. Ўйлайманки, бу ишларимиз фуқароларнинг прокуратурага бўлган ишончини янада оширади. Ишончдан катта эътирофнинг ўзи йўқ.

Зиқрулла РАСУЛОВ,  
Сергели туман прокурори

## Бозордаги қонунбузарлар



*Бугунги кунда ҳаётимизни бозорларсиз тасавур қилмаймиз. Харидор ҳам, сотувчи ҳам бозорда учрашади. Кийим оладиган кийим бозорига, машина оладиган ҳам машина бозорига бориб чўнтағидаги пулга қараб мол талайди. Дехқон бозорлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Шарқда бозорлар азалан юрт кўрки бўлиб келган. Ҳозир ҳам хориждан келган меҳмонлар бозорга кирмасдан кетмайди. Бонси, ўзбек бозоригаги туқилмакни дунё билди, десак муволажа бўлмайди.*

Туманимизнинг «Қурувчи» мавзесида А.Адиев бошқарувидаги «Дамас» автомашинаси тўхатилиб текширилганда, 14 турдаги 2 млн. 351 минг сўмлик алкогольли маҳсулот аниқланди. Текширишда бу маҳсулотларнинг ҳужжатлари жойида эмаслиги, «Шоҳрухбек Капитал» ХФ дўконига олиб кетилаётгани маълум бўлди. Мазкур дўконда текширув ўтказилганда эса 32 турдаги 28 млн. 489,3 минг сўмлик алкогольли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. «Шоҳрухбек Капитал» ХФ раҳбари Зоир Нигматовнинг айтишича, алкогольли маҳсулотни «Бўка шароб савдо» базасидан номаълум шахсдан сотиб олган. Ҳайдовчининг кўрсатма беришича, у ҳар ҳафтада 3-4 мартадан «Пойтахт Сергели улғуржи савдо» бозоридagi дўконларга алкогольли маҳсулотларни келтириб берган.

Мазкур ҳолат юзасидан «Бўка шароб савдо» базаси текширилганда, база мансабдор шахслари ноқонуний даромад олиш мақсадида, солиқ солинадиган объектларни қасдан яшириб, 28 млн. 489,3 минг сўмлик алкоголь маҳсулотларини қирим ва чиқим ҳужжатларисиз савдога чиқаргани

маълум бўлди. Ҳозирда бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Туман ҳудудида спиртли ичимликларни сотишга лицензия олган жами 26 та дўкон ва 170 та умумий овқатланиш нуқталари мавжуд. Уларда спиртли ичимликларни белгиланган тартибда сотиш, олинган фойдани банкларга инкассация қилиш ҳамда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан тўшунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамадан айрим шахслар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаяпти. Жумладан, туманимизнинг «Ярмарка» бозори ёнида фуқаро Алишер Абдукаримов фуқаро Х.Содиқовга жами 4 млн. 651 минг сўмлик спиртли ичимликларни 3 млн. сўм ва 1300 АҚШ долларига сотаётганда ушланди. А.Абдукаримовнинг айтишича, у спиртли ичимликларни бозор ёнида жойлашган «Фагафур Савдо» МЧЖга тегишли бўлган 27-дўкондан олиб чиққан.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, туман прокуратурасига юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Республика ҳудудига товарлар олиб кири-

лишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Утказилган тадбирларда қонунбузилишлари фож этилиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда. Жумладан, «Эркин» ИПХ масканида фуқаро Аваз Рўзибаев автобусда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган маший техника маҳсулотларини олиб кетаётганда ушланган. Текширишда олиб маҳсулотлар тегишли ҳужжатларсиз бўлиб келингани аниқланди, вақтинча олиб кўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, бўлим томонидан ҳуқуқимиз қарорларининг ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар давомида 52 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича қўшимча ҳисобланган жаримлар миқдори 116,9 млн сўмини ташкил этган бўлса, шундан 12,8 млн сўми ундирилган. Ҳуқуқбузарлардан жами 207 млн. 624 минг сўм миқдоридagi товар моддий бойликлар олиб кўйилган.

Алишер АННАЗАРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридagi СВОЖДЛҚ департаментининг Сергели туман бўлими бошлиғи

Оила қураётган ҳар бир куёв ва келин энг аввало бахтли ҳаёт кечирини, фарзандли бўлиб, уларнинг орзу-ҳавасини кўришни, турмушнинг паст-баландларидан ўтишда доимо бирга бўлишни ният қилишади. Аммо ҳаёт синовларига ҳамма ҳам бирдек бардош беролмайди. Замира билан Ботир ҳам турмуш қураётганида жуда катта орзу-умидлар қилишган, бир нафар фарзандли бўлишганида орзуниятлари янада кенгайган бўлса ажаб эмас.

Бироз оёққа туриб олишганларидан кейин эса яхши ниятлар билан ўзлари учун уй сотиб олишиб, ота-оналаридан алоҳида гарзда мустақил ҳаёт кечира бошлайдилар. Шу зайл уларнинг ўз оилавий мулки ҳам вужудга келади.

сўнг, у ҳам уйни ҳамшаҳари П.Собировга сотиб кетади.

Бу вақтда орадан икки йил ўтади. Бўлиб ўтган воқеалардан беҳабар Ботир суд қарори асосида ўз мажбуриятларини бажариб юраверади. Кунлардан бир кун уй унинг розилиги олинмасдан туриб сотилганлигини эшитиб ҳайрон қолади. Албатта, у бунга ишонмайди. Лекин уйнинг олди-сотди ҳужжатларини кўрганидан кейин...

Юзага келган муаммони ўзаро келишув асосида ҳал этишга кўзи етмагач, ўзининг ва воёга етмаган ўғлининг турар-жойга бўлган ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб судга мурожаат этишдан бошқа иложи қолмайди.

Суд ишни кўриб чиққач, даъво талабларини қаноатлантирди. Ле-



рилмаган. Қолаверса, тарчи биринчи инстанция суди олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш хусусида тўғри хулосага келган бўлса-да, Фуқаролик кодексининг 114-моддасининг 2-қисми талаблари бўйича тарафларни аввал ҳолатига келтириш масаласини муҳокама қилмаган. Шунга кўра, олди-сотди шартномасининг тарафларига шартномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ундириш хусусида даъво аризаси билан умумий ҳоселда судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим эди. Амалдаги қонунларнинг ана шу каби талабларига риоя этилмаганлиги боис Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати

## ТУРМУШНИНГ ШИРИН ВА АЧЧИҚЛАРИ

Лекин уларнинг биргаликдаги турмушлари атти тўққиз йилга етди холос. Суд қарорига кўра уларнинг никоҳи бекор қилиниб, фарзандлари Азаматнинг таъминоти учун алимент тўлови белгиланди. Ботир Йўлдошев келишувга мувофиқ, уйни Замира Йўлдошева ва ўғлига қолдириб чиқиб кетади. Бирок, Замира бир йилдан сал ошқроқ вақт ўтгач, уйни сотиш таралдига тушиб қолади. Шу мақсадда у уйни сотиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни йиғди. Унинг бу нияти қатъий бўлганлиги боис харидор ҳам теда топилди. Кўп ўтмай Замира харидор Н.Комиллова уйни сотиб, теда бўшатиб беради. Янги эга бу уйда бир йилдан сал ошқроқ вақт яшаганидан

кин орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан туриб, апелляция инстанция суди биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилади.

Иш ҳужжатлари бўйича уй ҳақиқатан ҳам эр-хотиннинг ўзаро никоҳлари давомида олинган бўлиб, унда Ботир Йўлдошев, Замира Йўлдошева ва уларнинг ўғли Азамат рўйхатга қўйилган.

Оила кодексининг 23-моддасида айтилишича, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилганга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бундай мулк оила ҳисобига

киритилиши уни тасарруф этиш ҳам фақат ўзаро келишув асосидагина бўлишини билдиради. Бирок, Замира никоҳлари бекор қилинганидан сўнг, собиқ турмуш ўртоғининг розилигини олмасдан туриб уйни сотиб юборган. Бу ҳолат уйнинг олди-сотди шартномасини нотариял тартибда расмийлаштириш чоғида ҳам эътиборга олинмаган. Вилоят судининг апелляция инстанцияси эса кўйи суд қарорини бекор қила туриб даъвогарнинг даъвосини рад этишда никоҳдан ажраллиш даврида эр-хотин ўртасида мулк масаласида низо бўлмаганлигини, бу ҳақда қонундор бўлган Ботирга хабар бермаганлиги ҳам судда эътибор бер-

Йўлдошевнинг эгаллигига ўтгани тўғрисида биронта ҳам далил йўқлигига ҳуқуқий баҳо бермаган. Бундан ташқари, Замира Йўлдошева билан Н.Комиллов ўртасида уйнинг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда қонунбузилишига йўл қўйилганлигини, бунда Ботирнинг ёзма розилиги олинмиши лозимлигига етарли аҳамият бермаганлиги, никоҳ бекор қилингач, тарафлар алоҳида яшаб, алоҳида ҳужалик юритиб келишгани, низоли хонадонда Замира ўғли Азамат билан яшаб қолиб, уни сотиш пайтида ўзи билан тенг улушларда мулкдор бўлган Ботирга хабар бермаганлиги судда тўлиқ тасдиқланганлигига ҳам судда эътибор бер-

томонидан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Албатта, бу ҳолат бироз кўнгилсиздек туолса-да, қонун меъёрларини билиш, унинг талабларига риоя қилиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мақсади ҳам энг аввало шу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш ва инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилгандир.

Раиса МУҲАМЕТДИНОВА,  
Бош прокуратура бўлим  
прокурори

## Ҳисобли дўст айрилмас

Инсоният яшашининг энг биринчи ва муҳим шартли доимий ҳаракат ва изланишидир. Бу эса энг аввало унинг меҳнатига намоён бўлади. Аммо қилинган меҳнат қадрланиши ва ўз вақтида рағбатлантирилиши ҳам лозим. Чунки, бу эртанги кун меҳнатининг самараси қафолатини таъминлайди. Бирок, ишчи тер тўкиб ишласа-ю, маошини ўз вақтида ололмасачи?

Зафарободлик Даврон Эргашев ҳам бир кун келиб ўз маошини олиш учун ишлаган ташкилоти билан низолашишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин у меҳнат қилган ташкилот тугатилиб, унинг ўрнида Агрохизмат маркази ташкил этилди. Бир неча йил меҳнат қилган ўз иш жойини судга беришдан тортиниб юрган Д.Эргашев ваъзят бундай ўзгариб кетишини кутмаганди. Шунинг учун ҳам охириги чора — судга мурожаат этишдан бошқа иложи қолмади. Шу мақсадда фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судга мурожаат этади. Аммо иш қўйилганидан ҳам жуда осонлик билан ҳал этилади. Суд жараёнида томонлар ўртасида келишув битими тузилганлиги сабабли суд фуқаролик ишини ФПҚнинг 100-моддаси 4-бандига асосан тугатади. Келишувга кўра, меросхўр ташкилот ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ўрнига Агрохизмат маркази биноси ва ГА3-52 русумли ёнлиги ташуви автомашинасини бериши лозимлиги белгиланди. Шундан сўнг бу битим ижрога қаратилиб, келишган мол-мулк даъвогарга олиб берилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди қасбия инстанцияси биринчи инстанция судининг мақкур ажримини ўзгаришсиз қолдиради.

Даврогар ва жавобгар ўртасида юзага келган низога барҳам берилди, тарафлар келишиши. Ҳаммаси ринсалагидек, қонун нормаларига асосланганликдек. Бирок, бирок, иш ҳужжатлари атрофича ўрганиб чиқилганда, суд томонидан келишув битимини тасдиқлашда қонун моддаси нотўғри қўллани-

ганлиги аён бўлди. Хусусан, суд ФПҚнинг 180-моддасида кўрсатилган талабларни бажармасдан, ФПҚнинг 100-моддаси 4-бандини қўллаб, қонунга зид равишда иш юритишни тугатган.

ФПҚнинг 180-моддасига кўра даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар эриш-

ган келишув битимининг шартлари биринчидан, суд мажлиси баён-номасига кири-тилиши ва тегишлича даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланиши лозим. Иккинчидан, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилишдан ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтириши шарт. Учинчидан, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суднинг иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлари қўрсатилиши ҳақидаги талаблари бажарилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги қарорининг 7-бандида ҳам мақкур талаблар бажариллиши белгиланган.

Д.Эргашевнинг даъво аризасида жавобгар сифатида Зафаробод туман С.Синдаров номи Агрохизмат маркази раҳбарининг фамилияси, исми ёритилмаган, қўшимча равишда жавобгар сифатида Қ.Уришбоев, бош ҳисобчи Б.Адиловлар кўрсатилган бўлса-да, судда фақат Қ.Уришбоев жалб қилинган. Қ.Уришбоев эса ўз кўрсатмасида суд мажлисида уму-

ман иштирок этмаганлиги, Д.Эргашев билан келишув битими тузмаганлиги, 2004-2006 йилларда Агрохизмат маркази раҳбари бўлиб ишламаганлигини билдирган. Қ.Уришбоевнинг бу даврда ишламаганлиги Агрохизмат маркази ва «Сув бу ҳаёт» сувдан фойдаланиш уюшмаси томонидан берилган маълумотнома билан ўз тасдигини топади.

Қ.Уришбоев эса ўз кўрсатмасида суд мажлисида умуман иштирок этмаганлиги, Д.Эргашев билан келишув битими тузмаганлиги, 2004-2006 йилларда Агрохизмат маркази раҳбари бўлиб ишламаганлигини билдирган.

Бундан ташқари, келишув битими ФПҚнинг 101-моддаси талаблари асосида тузилмаган. Д.Эргашев номидан тузилган келишув битими оддий хат тариқасида тузилган бўлиб, у тузилган сана, жойи, тарафларнинг номи, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, манзили, жавобгар томонидан вақил сифатида қим қатнашганлиги, унинг исми, фамилияси ва ваколати кўрсатилмаган. Қолаверса, суд битимини тасдиқлашда низоли мулклар кимга тегишли эканлигини, эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бор ёки йўқлигини, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳолатларини текширмаган. Шу билан бирга Агрохизмат марказига тегишли бўлган низоли мулклар туман ҳокимлиги балансида турмаслиги, ҳозирги вақтда қайси корхона балансида эканлиги аниқланмаган ва мулкнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат берилган ёки берилмаганлиги текшириб кўрилмаган.

Фуқаролик ишга низо бўйича илова қилинган асосий воисатлар рўйхати имзоланмаган ва тасдиқланмаган.

Бундай шароитда суд Олий Суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарори 3-банди талаблари асосида мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган биноларга нисбатан низоларни кўриш, ҳал этиш судларга тааллуқли эмаслиги ҳолатларига эътибор

бермаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорининг «Қўшлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришда активлар ва пасивларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги 6-илоҳида қайта ташкил этилаётган ҳўжаликнинг ажратуви балансидаги актив ва пасивлар янги ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланиши ва уларнинг умумий мулки ҳисобланиши белгиланган.

Бундан ташқари, суднинг келишув битимини мажбурий ижрога қаратиш ҳақидаги ажримда жавобгар С.Синдаров номи Агрохизмат маркази суд мажлиси қаҳириса-да, узрсиз сабаблар билан унинг вақили судга келмаганлиги кўрсатилмаган.

Иш ҳужжатларида жавобгарнинг судга қақиртирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни жавобгар қақирув қозонини олганлиги ҳақидаги имзо қўйилган қақирув қозонининг нусхаси ишда мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида ФПҚнинг 135-136-моддалари талабларининг бузилишига йўл қўйилганлигини кўрсатади. Қолаверса, ФПҚнинг 312-моддаси 1-қисмининг 1, 2 ва 4-бандлари талаби бўйича, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар аниқланмаганлиги, суд аниқлаган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланганлиги ўз навбатида суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади.

Ана шу жиҳатларга кўра Бош прокуратура томонидан Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъатига киритилган протести қаноатлантирилиб, қонун устуворлигининг таъминланишига эришилди.

Акбарали ЮСУПОВ,  
Бош прокуратура бўлим прокурори



Битта фаро-
сатли одамнинг
дўстлиги ҳамма
бефаросат одам-
ларнинг дўстлиги-
дан афзалроқ.

ДЕМОКРИТ

31-mart, Dushanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаши
йўк» 103-серия
08.30 Мировые хиты
09.30 Ўзбек наволари
10.30 Концерт
12.30 Х/ф «Герой»
14.25 Ўзбек наволари
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 «Кинокурьер»
17.30 «Кинокурьер»
18.30, 21.30 Серил «Жассига
ўхшаши йўк» 104-серия
19.10 Серил
20.10 Ўзбек наволари
22.00 Комедия «Молодожён»
23.55 Миксер

08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил
10.30 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Молодожён»
13.25 Ўзбек наволари
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 Ўзбек наволари
18.30, 21.30 Серил «Жассига
ўхшаши йўк» 105-серия
19.10 Серил
20.10 Ўзбек наволари
20.30 «Тунлар муборак»
22.00 Х/ф «Кенгуру Дже»
23.50 Миксер

2-aprel, Chorshanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаши
йўк» 105-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил
10.30 Мировые хиты

1-aprel, Seshanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаши
йўк» 104-серия

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

11.30 Х/ф «Кенгуру Дже»
13.20 Мировые хиты
14.00 Ўзбек наволари
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Ўзбек наволари
18.30, 21.30 Серил «Жассига
ўхшаши йўк» 106-серия
19.10 Серил
20.10 Ўзбек наволари
22.00 Киноколлекция: «Профес-
сионал»
00.05 Миксер

11.30 Х/ф «Профессионал»
13.35 Мировые хиты
14.00 Ўзбек наволари
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Тунлар муборак»
18.30, 21.30 Серил «Жассига
ўхшаши йўк» 107-серия
19.10 Серил
20.10 Ўзбек наволари
20.30 «JANNATMAKON»
21.30 Ўзбек наволари
22.00 Х/ф «Машина времени»
00.05 Миксер

3-aprel, Payshanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаши
йўк» 106-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил
10.30 Мировые хиты

4-aprel, Juma

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Серил «Жассига ўхшаши
йўк» 107-серия
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Серил

10.30 Мировые хиты
11.30 Х/ф «Машина времени»
13.35 Мировые хиты
14.00 Ўзбек наволари
15.00 Baby hits
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 Ўзбек наволари
Бюджет ташкилотидида ишловчи ва бола туғилганлиги муносабати билан икки ёшга етгунча қадар нафақа тўланадиган таътилга чиққан аёлларга Республика Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда рўйхатга олинган 1112-сонли «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунча қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом қондалари таътиб қилинади. Чунки мазкур Низом ҳақиқатда бола парвариши билан банд бўлган ва ишламаётган оналарга бундай нафақа белгилашга қаратилгандир. Нафақа тайинланиши учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ариза билан мурожаат қилиб, унга:

кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар (зарурат бўлганда);  
е) онаси бўлмаган болани амалда парвариш қиладиган шахслар онасининг йўқлигидан даполат берувчи ҳужжат — боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, онаси оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органлари томонидан берилган маълумотнома; ни ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш нафақасини олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим этилади.

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Нафақани тайинлаш пайтида (парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда ёки бола ихтисослаштирилган муассасага (ғўдақлар уйига) тўлиқ давлат таъминотига жойлаштирилганлик ҳолларидан ташқари) оиланинг мазкур нафақага муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 барабаридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

Оилаларнинг муҳтожлигини белгилаш чоғида қўлланадиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой ҳисоб-китоб қилиниб, бунда йил давомида олинган барча даромадлар инобатга олинади. Масалан, бундай даромадлар таркибига: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тўсадга бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунча қадар уни парвариш қилиш учун нафақалардан ташқари), шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликдан олиннадиган даромадлар.

- а) боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма нусха;
- б) меҳнат дафтarchасидан кўчирма нусха — илгари ишлаганлар учун;
- в) ариза топширилган ойтгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдига даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- г) боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК ҳулосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);
- д) никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг

## УЙ ТАШВИШЛАРИ

**Мен 1989 йилдан бери хизмат квартирасидан фойдаланиб келаман. Шу квартирани хусусий қилиб олиш мақсадида мурожаат этсам, ҳокимият юристи Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сонли қарорининг**

**16-бандини кўрсатиб, мумкин эмас деяпти. Ростдан ҳам шундайми? Агар мумкин бўлса, менга имтиёз бўладики?**

**М. ИСМОИЛОВА,**  
Оҳангарон шахри

Ҳақиқатдан ҳам мазкур қарорнинг 16-бандида хизмат турар жойлари бўлиб олинishi, алмаштирилиши, брон қилиниши ва хусусийлаштирилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 март кунги 114-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида дав-

лат уй-жой фондини хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш» қондаларининг 4-бандида белгиланган тартибга кўра, алоҳида уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани хусусийлаштиришга қарор қилган фуқаролар белгиланган намунадаги ариза билан яшаш жойидаги ҳокимликка мурожаат қилиш-

ри лозим. Чунки «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, муниципал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига берилган.

## ИМТИЁЗ БОРМИ?

**Мен 2003 йили қариллик пенсиясига чиққанман. Фуқаролик ишлари бўйича судларга қарз ундириш бўйича давво аризаси топширилганда пенсионерлар учун бирор бир имтиёз борми? Фуқаролик кодексининг 110-моддаси пенсионерларга ҳам тааллуқлими?**

**А. МЕНГЛИБОЕВ,**  
Шўрчи шахри

Фуқаролик процессуал кодексининг сиз тилга олган 110-моддаси ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида умумий юрисдикция судларига мурожаат этувчи барча шахсларга тааллуқлидир. Мазкур моддада тилга олинганидек, суд фуқаронинг мулкий аҳолига қараб, уни давлат даромадига ундирилдиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли. Бироқ, қарз ундириш юзасидан қилинадиган давволар юзасидан давлат божини тўлаш бўйича имтиёз белгиланмаган.

Солиқ кодексининг 329-моддасида умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилиниши белгиланган:

- 1) даввогарлар — иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги давволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;
- 2) даввогарлар — муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган давволар юзасидан;
- 3) даввогарлар — алиментлар ундириш тўғрисидаги давволар юзасидан;
- 4) даввогарлар — меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги давволар юзасидан;
- 5) даввогарлар — ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;
- 6) даввогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги давволар юзасидан;
- 7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолаштирилган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;
- 8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;
- 9) юридик ва жисмоний шахслар — жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;
- 10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;
- 11) юридик ва жисмоний шахслар: суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича; суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича; даввони таъминлаш ёки даввони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;
- суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;
- суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайитириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;
- 12) юридик ва жисмоний шахслар — суд ижросисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайитириш рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;
- 13) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;
- 14) истеъмолчилар — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ давволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хафсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номумайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзгатирилган давволар юзасидан;
- 15) даввогарлар — ўрмон даракларини ўзбошимчилик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қуриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан ва ҳоказо шу қабилар.

Саволларга Бош прокуратуранинг Бошқарма прокурори Шўхрат РАҲИМОВ жавоб берди

Хурматли муштарий! Узингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб берадилар. Саволларингизни «*Нидоқ*» газетасининг «*hiuqq97@mail.ru*» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

Савола Юнусобод туман прокуратурининг ёрдамчиси **Бобоқул САИДОВ** жавоб берди

Энди ўн етти ёшга тулган, кол-лежни битирган Гулсанам (исмлар ўзгартириб берилган) оёғига тик боқолмади.

— Алижон ака дадангинг қадрдон ўртоғи. У ёли Иброҳимжон сени ёқтириб юраркан. Таг-туғли хонадон, совчиларга йўқ дея олмадик...

Орзулари бир олам эди. Ўқиб, врач бўлса... Ёки ўқитувчи бўлиб, болаларга сабоқ бера... Балки, тўйдан кейин ўқишга рухсат берилар!

У оғир-вазмин, камган, бироз хаёлпараст қиз эди. Кўнгилсиз нарсаларни ичига ютар, ҳеч кимга, отасига ҳам, онасига ҳам арз-дод қилмасди. Фақат севинчу кувончларини баҳам кўрарди. Ниҳоҳлари

яшнаб, арзанда келин бўлиб юрадигандай эди.

Дарвоқе, тўйдан кейин ярим йилча ширин турмуш кечирди. Иброҳимжон қишлоқнинг олди гузалини суюб, эркалар, бегона кўзалардан қизғонарди. Гулсанам ҳам унга кўнгил қўйганди.

— Оймомо ким?

— Катдан олди бу гапни?

— Эшитгим-да, юрганакансиз...

— Нима, бир-икки салом-алик қилсаям юрганга чиқарканми? Сизнинг олдингизда ҳаммаси хира тортали...

Гулсанам бошқа оғиз очмади. Ёзининг ўрталарида қайнотаси Алижон ака юк қилди. Холодликни машинага мева юклаб, Россияга

йўл олди. Иброҳимжонни ҳам бирга олиб кетди. У кунора телефон қилар, иккаласининг гаплари тугамайди-гандай эди.

Бироз ўтиб, Алижон ака ёлғиз қайтди.

— Иброҳимжон меваларни охиригача сотиб кейин келади. Мен экин-тикинга қарашим керак...

Гулсанам суюкли ёри қайтганидан кейин ўзгариб қолганини дарров сезди.

— Эртага оймини кўриб келайлик.

— Вақтим йўқ, бошқа кун, — кўрс жавоб қилди Иброҳим.

— Бўлмаса, тоғам билан бориб келаман.

Иброҳим туюқди. Бўйинини чаг-лаб бўди. Ёнбошларига тейди. Гулсанам боласини олиб уйига жўнади. Бироқ, ўзларининг уйига эмас, кўшни, тоғасининг ҳовлиси-га кириб борди. Келиноёғисига Иброҳим телиб ургангани айтиб йи-лади. «Ойим касалхонадан тугалиб келса, у билан бошқа яшайман!» Бир соатлар ўтиб қайнотаси Алижон ака «Нексия»да келди. Кўчада узоқдан кўрган Гулсанамнинг тоғаси — Абдусамад куданинг ортидан изма-из ҳовлига кирди.

— Келинни олиб кетгани келдим, — деди у.

Абдусамад ичкарига кириб ча-қирди.

— Келгани йўқ, — дейишди ичкарида аёллар. Алижон ортга қайтди. Абдусамадни ўртадаги эшикдан хотини чақирди.

— Гулсанам бизникида, эри урибди яна. Қуда кетиб қолмасин. Айтинг, опкетсин.

Абдусамад ака машинага ўти-раётган Алижон акага яқинлашди.

— Гулсанам бизникида экан. Ўғлизи жиловлаб қўйинг! Ҳадеб уриб бездиравермасин!

— Бизни уйда унақа гап бўлмайди, — деди Алижон ака. Гулсанамни тагин йўлга солиб, қайнотасининг машинасига миндириб юборишди.

— Фарғонага эрталаб бориб келасизлар!



## «ИҚТИДОРЛИ» ДИРЕКТОР

**Одамзоднинг табиати қизик: нимагадир эришиш учун йиллар давомида меҳнат қилади, интилади, аммо ўша эришганини арзмаган вақт ичида, арзмаган нарсани деб буй бериб юбораверади. Бунга ҳаётда кўплаб мисол келтириш мумкин.**

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-қобилиятли ва иқтидорли болалар мактаби ҳақида кўпчилик билади. Турган гапки, таълим тизимидagi узоқ йиллик самарали меҳнати ва ортиртган тажрибаси боис иқтидорли болалар мактабига директор этиб тайинланган Чаросхон Абдуназаровани ҳам кўпчилик яхши танир, опанинг обрў-этибори ҳам шунга яраша эди. Агар кимдир Чаросхон Абдуназаровани вақти келиб қинғир ишлари учун жиний жавобгарликка тортилди деса, биров ишонмасди. Чунки кўпчилик ундан бундай ишларни кутмасди. Аммо...

Ўқорида айтганимиздай, тумандаги Ч.Абдуназарова раҳбарлик қилиб келаётган 300-мактаб иқтидорли болалар мактаби саналиб, фарзандининг яхшироқ билми олишини истаган акасар оналар болаларини ана шу таълим масканида ўқитишга ҳаракат қилишди. Ҳамшаҳримиз Муҳаббат Самедова ҳам невараси Бекзоднинг мазкур мактабда таҳсил олишини истаб, директор олага учрашди. Лекин мактаб директори билан бир учрашувдан унинг ихлоси қайтади. Мактабдан эмас, мактаб директоридан. Сабаби...

Директор Ч.Абдуназарова неварасини мактабга жойлаштириш учун келган М.Самедовани очик чехра билан кутиб олади. М.Самедова невараси 300-мактабга кириш учун синовларни топширганини айтганида эса Ч.Абдуназарова «неварангиз синовлардан ўта олмабди, уни мактабимизга олиш-олмаслигини мендан бошқа ҳеч ким ҳал қила олмайд» дейди.

Шунда М.Самедова Ч.Абдуназаровага «неварамни мактабимизга қабул қилинг, боланинг ўқишга қизиқиши бор» дея илтимос қила бошлайди.

«Майли, мен сизга ёрдам берман, лекин ҳеч қандай гап-сўз чиқиши керак эмас. Ёрдамим эвазига 250 АҚШ доллари олиб келасиз», дейди Ч.Абдуназарова.

М.Самедова директор сураган суммани эшитиб иккиланиб қолади. Сўнг «майли, мен маслаҳатлашиб кўрай» деганча директорнинг хонасидан чиқиб кетади. Уйига қайтган М.Самедова узоқ мулоҳазалардан сўнг бир қарорга келди: у мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, пора талаб қилаётган мактаб директо-

рига қонуний чора кўришни сўраб Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Мазкур ариза юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда Ч.Абдуназарова ўз хизмат хонасида сўралган 250 АҚШ доллари ҳисобидан 200 АҚШ доллари ва 60 минг сўмин М.Самедовадан олаётган пайтда, жиноят устида ушланади.

Айтганча, бу «иқтидорли» директорнинг ягона қинғир иши эмас экан. Бу воқеадан олдинроқ мактаб директори Ч.Абдуназарова ва «Tornado plus servis» МЧЖ раҳбари Х.Муҳиддиновлар ўртасида мактаб таъмирига оид шартнома имзолангани ва ўша шартномага асосан «Tornado plus servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 7 млн. сўм пул ўтказиб берилган. Кўп ўтмай таъмирлаш ишлари якунланиб, бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тузилади. Директор опа ҳеч иккиланмай далолатномага имзо қўйиб беради. Аммо Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси мутахассислари томонидан бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажми инвентаризациядан ўтказилганда, таъмирлаш ишлари салкам 3 млн. сўмга ошириб кўрсатилгани маълум бўлиб қолади.

Тергов давомида директор опа бу билан ҳам қаноатланмагани аниқланган. Хусусан, мактабда умуман ишлаган қандайдир Абдусатторовга салкам бир йил давомида иш ҳақи ва мукофот пуллари ҳисобланиб келинган. Бу пуллар кимнинг чўнтагига бориб тушганини билгандирсиз.

Ўқоридаги ҳолатлар буйича Ч.Абдуназаровага нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари буйича Сергели туман суди ажрами билан унинг устидан қўзғатилган жиноят иши амнистия тўғрисидаги қарорга асосан тугатилди. Бироқ...

Айтиб ўтганимиздек, мактаб директори Ч.Абдуназарова таълим соҳасида кўп йиллар ишлаган, касбининг ортидан обрў-этибор топган инсон эди. Аммо нафс балоси унинг муаллим, устоз деган номга доғ тушириб юзи шувуvt бўлишига олиб келди. Элининг назаридан қолди. Бу эса жудаям оғир жазо.

**Баҳром МАХСИТОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
АМИБ катта терговчиси

# ЭРТА ХАЗОН БЎЛГАН ТУЛ

арафасида бир неча бор йўлидан чиққан Иброҳимни кўриб, эслади. Афтидан баъмани йигитга ўхшайди.

Совуқ қиш кунларининг биринида энгил машиналарида никоҳ саройига боришди.

— Жинни-ю, тегмайман унга, — деди Гулсанам уйларига ташлаб кетишганида. — Гаплари бетаъбир...

— Туйни бузиб бўлмайди, жон қизим. Бунақа шармандаликни кўтариб юролмайман. Кейин сента бир ров совчи юбормай қўяди. Ҳали ёшда, шўх, энди ўн саккизга кирган. Аста-секин қўйилиб қолди. Мени айтиб дейсан, турмушларингиз ҳамма ҳавас қилади ҳали... — онанинг дулига гашик оралади-ю, қизига панд-насихат қилиб, йўлга солди. Эрига ҳеч нима демасди.

Тўлахожи Алижон ака билан йигирма йиллик қадрдон эди. Ўтган аср тўқсонинчи йилларининг ўрталарида бирга Россияга қатнаб, мева-чева олиб бориб сотишган, бошларидан турли ишлар ўтган, синашта оғайни бўлиб қолишганди. Алижон аканинг ишлари юришиб, 5 гектар ерга эга чиқди. Фермер ҳўжалиги ташкил қилди. Ҳам фермерлик қилиб, ҳам хорижга мева-чева ташиб, нафақат қишлоқ, тумандаги олди одамлар қаторига қўшилди. Катта ўғлини уйлаб, алоҳида ҳовли-жой қилиб берди. «Нексия» машинаси сотиб олди. Булажақ куёви Иброҳимжонни бир неча бор хорижга бирга олиб бориб, савдогарликка ўргатди. Аксинча, Тўлахожининг иши юришмади. Аризли бирин нарса орттиролмади. Назариди қизи тўқ хонадонда бекаму-кўст, яйраб-

Баъзан мастлигида бекордан бекорга ҳақоратлаб ура бошлади. Туғилган қизларига ҳам бекфарқдай эди. Ўзининг баланига тошма тошганида ёш жувон эътибор қилмаганди. Қизчасига ҳам тошганида шифокорга учради. Она-болани зудлик билан Фарғона шаҳридаги тери-таносиш касалликлари шифохонасига юборишди. Қайнона келини ва невараси билан бирга ётди. Гулсанам шифохонада бу касаллик нималигини билгач, лов-лов ётди.

Ўят, шармандалик... Энди қишлоқда қандай бош кўтариб юради? «Иброҳимжон у ёқларда фоҳишаларга илақиб, орттирган касаллини менга ҳам юқтирди... Сутимдан болага ҳам ўтибди». Эрининг бемеҳр, бешафқат бўп қолганининг боисини англагандай эди. Врачларнинг маслаҳати билан Иброҳим ҳам даволанди. У хорижда юрганيدا бир-икки суюқоқлар билан «маишат» қилган эди-ю, касалли хотини ва боласига ўзи юқтирганини тан олгиси келмасди. Назариди, йўқдигида Гулсанам бировлар билан «дон олишгандай» туюларди. Унинг ҳар бир ҳаракати шубҳали туюлиб, жанжалларга туртки берар, куёв бола суюб уйланган келини аямай калтакларди. Гулсанам ойда бир-икки туғилиб ўсган уйига бориб ётиб келар, бироқ онаси ёки отасига арз-дод қилмасди. Дарл-аламларини ичига ютарди. Эри калтаклаётганида ҳам дол-вой солимас, қўни-қўшилар назариди ёш оила ҳавас қилгудай тинч-тотув эди.

Гулсанамнинг онаси бетоб бўлиб вилоят касалхонасида даволанаётганди.

Алижон ака Иброҳимжон ва Гулсанамни тонг саҳар Фарғонадаги шифохонага етказиб борди. Қиз онасига нохуш гапларни сездирмади. Ошхонада тамалди қилиб ўтиришди. Гулсанамнинг тоғасининг қизи Зарифа ҳам шу ерда даволанаётганди.

— Ойим яхши бўп қолса, яшайман бу билан, — деди Гулсанам Зарифага. — Бўғиб ўлдириб қўёзди. Шарф ураб олдим буйимга.

Эрталаб соат ўнларда Сўхга, уйларига қайтиб келишди. Алижон ака далага йўл олди. Иброҳим хотинини бекордан-бекорга яна ҳақоратлаб кўчага чиқиб кетди. Қайтганида «қалоқ синглисининг қўлида биғиллар, Гулсанам йўқ эди. Ҳамма хоналарни қаради, тополмади. Тушга яқин оғилхонага кирган синглиси доллаб юборди. Иброҳим оғилхонага кириб, тўсинида осилиб турган Гулсанамнинг жасадини ҳовлига кўтариб чиқди. Ҳамшира, врач келди. Сунғий нафас олдиришга уринишди. «Бефойда, жони узилган» деди врач.


Ўн саккиз яшар гул эрта хазон бўлди.

Гулсанам Зоҳидова ўлимидан олдин ёзиб қолдирган хат асосида жиноят иши қўзғатилди. Хорижда энгилроқ аёлларга илақиб орттирган касаллини жуфти ҳалоли ва боласига юқтиргани камлик қилганидай, рафикасини муттасил уриб ҳақоратлаб, ўзини ўлдириш даражасига етказган Иброҳим Зоҳидовнинг айтиб судда тасдиқланиб, озоликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**О. ХОШИМОВ,**  
Сўх туман прокуратураси терговчиси



## Исёнчи ушланди



Комор ороллари архипелагида киврувчи Анжуан оролидаги ҳарбий операция муваффақиятли якунланди. Бунинг натижасида исёнчилар етакчиси, орол президенти Муҳаммад Бакар ушланган. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, Бакар Комор ороллари иттифоқининг ҳукумат қўшинлари томонидан аёллар кийимини кийиб олиб, оролни қайқда тарқ этишга ҳаракат қилганда, ҳибсга олинган. Ҳукумат кучлари вакилининг айтишича, у Франция тасарруфидаги қўшни Майот оролига қочмоқчи бўлган. Ҳозирда Анжуан ороли Комор ороллари иттифоқи ҳукумат қўшинлари назорати остида. Орол эгаллаб олинishi вақтида ҳеч ким қурбон бўлмаган ва жароҳатланмаган.

Эслатиш жоизки, Комор ороллари иттифоқи армияси Анжуан оролига бостириб кириб, унинг пойтахти Мустамудни эгаллаб олган. 450 та ҳарбий жалб қилинган операция ўтказилишидан асосий мақсад, оролни исёнчи президентини ағдарishi эди. Мазкур операцияни Африка иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлаган ва шу мақсадда Комор ороллари иттифоқи


ёрдам учун 1,5 мингта аскар ажратган. Бир кун аввал Комор ороллари иттифоқи президенти Аҳмад Муҳаммад Самби телевидение орқали Анжуан халқига мурожаат этиб, тайёрланаётган операция хусусида огоҳлантирган.

Полковник Бакар 2007 йилнинг май ойида бўлиб ўтган президентлик сайловларида галаба қозониб, ҳукумат тепасига келган. Бироқ, Комор ороллари иттифоқининг федерал ҳукумати сайловлар натижаларини тан олмади. Бунга жавобан Бакар орол мустақиллигини эълон қилади. Комор ороллари иттифоқи ҳукумати эса уни исёнчи деб баёнот беради. Комор ороллари 1975 йилда француз мустамаккачилигининг овоз бўлиб, мустақилликка эга бўлди. Шундан буён бу оролларда кичик ҳарбий низолар бўлиб турар эди. Низолар келиб чиқишига асосий сабаб паст турмуш даражаси ҳамда ҳар бир оролнинг ўз мустақиллигига эга бўлиш ҳаракати эди.

Комор архипелаги Ҳинд океанида, Африканинг шарқий қирғоқлари яқинида жойлашган бўлиб, бешта катта-катта ороллардан иборатдир. Уларнинг тўрттаси Комор ороллари иттифоқини ташкил қилади. Майот ороли эса ҳамон Францияга тегishлидир. Комор ороллари умумий аҳолиси 700 минг кишини ташкил этади.

## Ҳуқуқталаб акциядор

2008 йилнинг 24 мартида «Motorola» компаниясининг акциядорлари орасида акциялар миқдори жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Карл Айкан компанияни судга берди. Айкан уяли телефонларни ишлаб чиқариш бўйича ҳужжатларни сўраб «Motorola»га мурожаат қилган, лекин рад жавобини олган. Ҳазиланган акциядор ушбу ҳужжатларни талаб қилиб, компанияни судга берган.



Маълумотларда айтилишича, Карл Айкан узоқ вақт давомида директорлар кенгашида унинг «одамлари»га тўртта жой учун курашиб келмоқда. Шунингдек, «Motorola»нинг 6,45 фоиз акциясига эга бўлиши Айкан бош бошқарувчиларни тайинлаш борасидаги директорлар кенгашининг қарорлари, бошқарувчилар ҳамда уларнинг оилалари корпоратив самолётлардан қай тарзда фойдаланишлари хусусидаги ахборотни ҳам талаб қилаётти. Компания вакиллари эса унинг даввосига навбатдаги найрағин сифатида қарашмоқда. «Motorola» масъул мансабдор ходимнинг айтишича, бир муддат аввал компания раҳбарияти ошкор этмаслик тўғрисида шартномага имзо чекиши эвазига Айканга у талаб қилаётган ҳужжатлар билан танишишга рўхсат берган экан. Бироқ, ҳуқуқталаб ишбилармон бундай шартларга рози бўлмаган экан. Мутахассисларнинг фикрича, Айкан судда ютиши қийин. Акциядор бўлишига қарамай ҳар бир компаниянинг махфий ҳужжатларни юритиш борасида ўзининг сиёсати мавжуд. Агар уларга амал қилинмаса, иккироғига юз тугиш муқаррардир, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги.

## Ёлгончи ҳарбийлар

Британиянинг ўқитувчилар миллий иттифоқи мамлакат мудофаа вазирлигини ўқувчиларни алдаётганликда ҳамда ўқув муассасаларида таълим олаётганларни армияга ёллаётганликда айбламоқда.

Ўқитувчиларнинг фикрича, ўқув юртларига ҳарбий хизмат тўғрисида гапириб бериш учун қаҳриллаётган Мудофаа вазирлиги вакиллари, армиядаги хизмат ҳақида ҳақиқатдан анча узоқлашиб, муболага билан ҳикоя қилишади. Улар асосий ургуни, касбий ўсиш, жисмоний машғулотлар ва турли давлатларни кўриш каби имкониятларга бериб, хизматнинг салбий томонларини ошқор этишмаяпти.



Ўқитувчилар миллий иттифоқи аъзоларининг таъкидлашича, шу йўл билан қуролли кучлар сафига киришга ишонтириш мақсадида ҳарбийлар ёшларда армия тўғрисида ёлгон ижобий таъсирларни шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг сўзларига қараганда, Ироқ ҳамда Афғонистондаги урушлардан сўнг армия сафига ёзиллаётганлар сонини кескин камайиб кетган, деб хабар қилади «BBC News» ахборот агентлиги.



«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШ адашиб Тайванга баллистик ракета лангнинг ядро каллақларини ишга туширадиган тўртта портлатгичи жўнатиб юборибди. Ичига портлатгичлар жойлаштирилган ракета лангнинг олд қисмлари Тайванга 2006 йилнинг охирида вертолёт аккумуляторлари билан бирга олиб келинган. Бу хато тайванлик буортмачилар аккумуляторлари етказиб беришда таъминловчи томонидан белгиланган миқдорда махсус етказилмаганлиги хусусида норозилик билдиришгандан сўнггина, ўтган

## Адашиб Тайванга...

ҳафтада аниқланди, холос. Душанба кун Тайван омборхоналарида сақланган хавфли қисмлар АҚШга қайтарилди.

Ҳарбийларнинг таъкидлашича, мазкур портлатгичларни ишлаб чиқариш технологияси ўтган асрнинг 60 йилларида кашф этилган бўлсада, хозиргача ундан махфийлик тамғаси олиб ташланмаган. Мутахассислар баллистик ракета ланг қисмлари бошқа давлат ҳарбийлари қўлида узоқ вақт сақлангани мамлакат мудофаа тизими салоҳиятига зарар етказиши мумкинлиги, йўқми, аниқ айта олмаётганлиги. Юзаси қараганда, портлатгичлар очилганлиги ва қайта терилганлигини кўрсатувчи излар йўқ. Барча шубҳаларга аниқ текширувлар хулоса беради.

Пентагонда ушбу портлатгичлар Тайванга адашиб жўнатирилганлигини тан олишди. АҚШ мудофаа вазир Роберт Гейтс мазкур ҳолат юзасидан синчковлик билан тергов-суриштирув ишларини бош-

лашни буюрди. Шунингдек, мамлакат ядро қуролларининг барча қисмларини инвентаризациядан ўтказишни ва келажақда улар билан боғлиқ масалаларда қўлланмада белгилангандек ёндашишни тайинлади.

Агентликнинг эслатишича, сўнгги саккиз ой ичида бундай ҳолат Америка қўшинларида иккинчи мартаба рўй беришидир. 2007 йилнинг августида «B-52» русумли бомбардимончи самолёт ўз бортидаги ядро каллақлари билан АҚШ устидан учиб ўтган. Бир қарашда, нима қилибди, ҳамма самолётлар учди деб айтиш мумкин. Ҳамма гап шундаки, бомбардимончи бортидаги ядро каллақларини ҳарбийлар демонтаж қилмаганлар, яъни зарарсизлантирмаганлар. Худо кўрсатмасин-у, агар тасодифан портлаш юз берганда нима бўларди? Ушунда бу воқеа юз беришига йўл қўйганликларни учун 70 киши интизомий жавобгарликка тортилганди.

## Эҳтиёт бўлинг, таёқча!

Францияда ичак таёқчалари билан зарарланган мол гўштини истеъмол қилган 30 киши заҳарланиш таъсири билан шифохоналарга келтирилди. Мол гўшти пойтахтнинг Ильде-Франс ҳудудидаги «Sarrigeou», «Moporig», «Moporig» компаниялари тизимидаги супермаркетлар орқали сотилган. Маълумотларга қараганда, гўшт сотувга чиққан кундан бери, яъни 10 мартдан буён 2,5 тоннаси ўз харидорини толган. Гўшт «Sosoga» қушқонасидан дўконларга келиб тушган. Корхона вакилининг айтишича, ичак таёқчалари гўшта молларнинг бирининг терисидан тушиб қолган бўлиши мумкин.

Бўлинган мол гўшлари жами 110 та дўконда сотилган. Дўконлардан 29 таси «Sarrigeou»га, 59 таси «Moporig»га, 22 таси эса «Moporig»га тегишлидир. Шифокорларнинг таъкидлашича, ичак таёқчалари иммунитетни заифлашган кекса ёшли ва ёш болаларга жуда қаттиқ таъсир қилади. Оқибатда буйрак хасталиги юз бериб, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Мазкур компанияларда гўшт маҳсулотлари сифатига жавобгар шахслар бундай ҳолат қандай юз берганига, зарарланган гўшт қай йўл билан дўконларга чиқиб кетганига ҳайрон. Улардан бири бўлиши Сандрин Мерсьеннинг айтишича, лабораториядан гўшнинг истеъ-

молга яроқлиги тўғрисидаги жавобни бир ҳафта кутишга тўғри келган ва шунча муддат ўтгандан кейингина маъмурият чора қўришни бошлаган, деб хабар қилади «Le Figaro» нашри.



## Ўрмонни асранг

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Грециянинг Эгей денгизида жойлашган Скопелос оролида кучли ёнғин рўй берган. Маълумотларда айтилишича, душанба кун бошланган ёнғин икки кун давом этган. Кучли ёнғин ёғишига қарамай, ёнғинни қириш ишлари қийин кетган. Бутун ҳудуд бўйича фавқулодда вазият эълон қилинган. Ёнғин рўй бериши сабаблари номалъумлигича қолмоқда. Оролнинг аҳоли турар қисмига зарар етмаган. Табиий офат асосан ўрмон ҳудудларида рўй берган.



Эслатиб ўтиш жоизки, 2007 йилнинг август ойида жазирама ва қурғоқчилик натижасида Грецияда ўрмон ёнғинлари юз берганди. Ёнғин ярим миллион гектарга яқин ўрмон ва қишлоқ ҳужалиги ҳудудларини йўқ қилиб юборган, 60 киши ҳаётдан қўз юмган.

## ҚУЛОҚ ЎҒРИСИ

Чилининг Пасхи оролида машҳур тош ҳайкаллардан бири-нинг қулғонини ўйирламоқчи бўлган Финляндия фўкароси ҳибсга олинди, деб хабар беради «BBC News» ахборот агентлиги. Гувоҳ аёлининг айтишича, сайёҳ тарзида оролга ташриф буюрган Марко Кулько тўрт метрлик ҳайкалнинг қулғонини синдириб олган, лекин уни қўлида ушлаб олмаган. Натижада тошқулоқ ерга тушиб, чилларчин бўлган. Полициячиларнинг маълум қилишича, юзлаштириш вақтида гувоҳ Кулькони қўлидаги татуировкасидан таниган.

Агарда фин маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни бузганликда айбдор деб топилса, етти йилгача бўлган қамоқ жазосига ҳукм қилиниши, шунингдек катта миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Чили ҳукумати вакилининг таъкидлашича, албатта бундай ҳолатлар кунда рўй беравермайди. Бироқ табиий парк қўриқловчилари ҳар доим ҳам уларнинг олдини ололмайди. Чунки парк ҳудуди жуда катта ва ҳайкаллар бутун орол бўйлаб жойлашган. Қайд этиш жоизки, олимлар Пасхи оролида баландлиги 10 метргача оғирлиги 800 тоннагача бўлган 900 та ҳайкаллари аниқлашган. Мазкур ҳайкаллар 1995 йилда ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси объектлари сирасига киритилган.

## Ким ҳал қилади?

Исроил ҳукумати Женин шаҳрига 600 нафар Фаластин полициячиларини киритишга рўхсат беради, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Уларнинг олдига қўйилган асосий мақсад шаҳарда тартибни сақлаб туришдан иборат. Маълумки, Женинда Исроил аскарлари ҳамда фаластинликлар ўртасида тўқнашувлар рўй бериши тобора кўпайиб бормоқда. Бу орқали исроилликлар Махмуд Аббос бошчилигидаги Фаластин мухториятининг қонуний ҳукумати обрўсини янада мустаҳкамлаб, Фаластин-Исроил музокаваларини ўтказилишига ёрдам беришмоқчи.

Бироқ, Фаластин хавфсизлик кучларининг олий мартабали қўмондонларидан бири бўлиши Дияб ал-Алининг айтишича, Женинга қўшимча куч юборишга ҳеч бир ҳожат йўқ. У ердаги полициячилар кўпроқни ташкил этади. Шунингдек, мухторият ички ишлар вазири Абдел Ризакнинг таъкидлашича, бундай масалаларни исроилликлар эмас, балки фаластинликларнинг ўзи ҳал қилиши лозим.

Бешик тўйи Манзурага татимди. Нима учундир тўсатдан кўнгли гаш бўлиб, уйин-кулги кулоғига кирмай қолди. Зумда юраги ҳалқириб, болалари кўз ўнгидан ўтаверди. Айниқса кенжатойи. У ўзини чалғитишга ҳар қанча уринмасин, бўлмади. Тўй тугамасдан уйига жўнади. Йўл-йўлакай хаёли минг кўчага кириб чиқди: «Ишқилиб тинчлик бўлсин-да!»

Эшикдан кирар-кирмас, «Фарҳод, Фарух» дея чақира бошлади. Катта ўғлини кўргач, кўнгли сал хотиржам бўлди, аммо шу заҳоти сўради:

— Уканг қани?  
— Компьютерда бўлса керак.

Бу гапдан анча тинчланиб, уй ишларига андармон бўлса-да, барибир кўнглининг бир четигадаги гашлик тарқамди. Кузнинг куни бир тутам. Тез қоронғу тушади. Кечки овқат пишиди ҳам-ки, Фарруҳдан дарак бўлмади. Энди Манзура ўзини кўярга жой топа олмай қолди. Унгача Фарҳод уч-тўрт марта кўчага чиқиб укасини қидириб келди. Хеч қаерда йўқ. Буни эшитиб, онаизорнинг бўлари бўлди. Ҳали уйга қиради, ҳали ҳовлига чиқади. «Қаерда юрган экан-а? Бунақа кеч қолаётган одати йўқ эди-ку! Э-э, худойим-эй, қаерда бўлсам, соғ-омон бўлсин...»

Ярим тун. Шаҳар четигадаги автобазанинг шундоққина ёнида жойлашган тўрт қаватли уй йўлагига тўсатдан «қарсурс» овоз янгради. Бирин-кетин ташқари-га чиққан кўшниллар қонига беланиб ётган

Бунақаси кетмайди. Қани бу ёққа юр-чи. Воҳид шундай дея Суннатнинг кўлтигидан тутганча кўчанинг нариги томонидаги кафе томон бошлади. Салқин тушиб қолгани боис, одам сийрак эди. Четдаги жойга ўтиришди. Воҳид бир шиша ароқ билан иккитадан кабоб буюрди. Шиша яримлагунча иккаласи ҳам жим ўтиришди. Кўп ўтмай ичкилик кучини кўрсатди, шекилли, аввал Суннатнинг, кейин Воҳиднинг ёноқлари қизариб, кўзлари қисила бошлади. Жимликни биринчи бўлиб Воҳид бузди:

— Хўш, энди гапир-чи, нима бўлди?

— Нима қиласан ярамни янгилаб-а? Сенга нима?

— Бу нима деганинг, Суннат? Нимага менга нима бўларкан? Оғайнимми-сан ўзи? Бундоқлардингни айтсанг-чи?

— Бўпти. Эшит бўлмас. Хотиним билан ажрашганимни эшитганимдини? Ҳа, шунақа бўлди. Негадир охири пайтларда мингирмингири кўпайиб кетди. Ҳали у кам, ҳали бу деб жигимга тегаверди. Бир-

— Ана шунақа! — Суннат шундай деди-ю, бехосдан столга мушт туширди. Тарақлаган овоздан ён-атрофдагилар чўчиб тушишди. Суннат буни парвойига ҳам келтирмай, Воҳидга ўқрайганча, гапини қайтарди:

— Ана шунақа гаплар, Воҳидвой. Тушундингми? Хўш, энди айт-чи, менга қанақа ёрдан бера оласан-а?



рар экан, Воҳиддан кўзларини олиб қочди. — Ҳа, нимага индамайсан? Розимисан? — Воҳид Суннатнинг индамай қолганидан фойдаланиб, «отини қамчилаб қолмоқчи» бўлди. «Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси» деб бекорга айтишмаган. «Нима бўпти, баҳонада уч-тўрт сўмлик бўлиб қолса ёмонми?» У шу хаёлда гапида давом этди:

— Топиш-тутишинг ёмонмас. Ёмон қўйганидан озгинасини чиқарсанг, олам-гулистон. Менга қара, азоб бераётган зирапча сугуриб ташланади, тўғрими? Буям бир зирапчадек нарса-де! Фақат бу ишни соққан бажаради. Сен эса ҳеч нарса билмагандек юраверасан. Кўп ўтмай хотинчангнинг ўзи олдинга ялиниб келади.

Воҳиднинг гаплари мўлжалга тегди, шекилли, Суннатнинг юзига яна қизиллик югурди. Аммо жавоб беришга шовилмади. Шишадаги ароқни сўнгги томчисигача пиёлага қўйиб, бир кўтаришда сипқарди-да, секин шивирлади: — Мен бир уйлаб кўрай...

Прокурор хонасида ёлғиз ўтирган экан.

— Чақиртирган экансиз, Рустам ака. Ассалому алайкум.

— Ҳа, Маҳкамов, келдингми? Яхшимисан? Кел, ўтир. — тилан прокурори Рустам Қориев Санжар билан сўрашар экан, ўтиришга жой кўрсатди:

— Ишларинг яхшимми? Кичкинанг қалай? Чопқўлаб кетгандир?

— Раҳмат, Рустам ака. Ухламасдан, ишдан боришимни онаси билан кутиб ўтиради.

— Омон бўлсин. Энди ишдан гапир. Анави, уйининг полвезидида отиб кетилган йигит ҳақида нималарни аниқладинг? Тузукми ўзи?

— Ҳозир ўша ердан келаяпман. Омади бор экан. Бешта ўқдан биттаси елкасига, иккинчиси қорнига теккан, холос. Врачнинг гапига қараганда ўн беш кунларда оёққа туради, — Санжар шундай деб қўлидаги блокнотни очди. Керакли жойини топиб, гапида давом этди: — Ҳолиқов Самад. Ёши ўттиз бешда. Иккита дўкони бўлиб, укта машинасини «аренда»га бериб қўйган экан. Уйланган, уч фаранди бор. Охири пайта бир жувонга илакишиб қолибди.

— Жувон ким экан?

— Иллари саргарош бўлиб ишлаган. Ҳозир уйда. Иккита қизи бор. Эри билан ўтган йили ажрашган.

— Жувон нима дейди?

— Ҳозирча фақат йигидан бошқасини билмайдиганга ўхшаяпти.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Биринчи гапта ўша, собиқ эри билан учрашиб кўрай, деганимми? Балки у-бу гап чиқиб қолар!?

— Яхши уйлабсан. Шу ишни тезроқ қил. Кеча милициядан хабар қилишди. Ёш бола йўқолган экан. Онасининг гапига қараганда олди йўқолишга ўхшашаяпти. Кимдир машинасига ўтқизиб кетаётганини кўрганлар бор экан. Шунинг учун тезроқ гуруҳ тузилди. Унда сен ҳам борсан. Ҳаммасига ултурасанми? «Нагрукча» кўпайиб кетмадини, ишқилиб?

— Ҳаракат қиламан, Рустам ака. Мени биласиз-ку!...

# ЗИРАПЧА

йигитни кўриб кўрқиб кетишди. Биров унга ёрдан беришга, биров «тез ёрдамга», яна биров милицияга хабар қилишга шовилди. Кўп ўтмай етиб келган шифокорлар жабранувчини касалхонага олиб кетишди. Улар билан изма-из келган милиция ходимлари эса кўшиллар билан савол-жавоб қила бошладилар...

Суннат охири пайта шунчалар ўзгариб қолдики, хаёл билан рўпарасидан чиққан танишини сезмай қолди.

— Ҳа, тинчликми? Хаёл суриб кетаётибсан. Нима бўлди? — Воҳид Суннат билан саломлашар экан, дайрон бўлганини яширмади, — ишларинг яхшимми ўзи?

— Бўлади. Ёмон эмас.

— Яхшигаем ўқшайми-ку! Худди мен еб, сен қуруқ қолгандай, қовоғингни солиб юрибсан. Бундоқ оғилсанг-чи! Ёки бирорта проблема борми?

— Яхши дедим-ку! Фақат...

— Нима, фақат? Айтавер, нима гап?

— Хеч гап йўқ. Ҳаммаси жойида.

Суннат шундай дея чўнтагидан сигарет олиб лабига кистирди. Гутурт чақиб, ёндирди. Тутунини чуқур тортиди-да, чиқараётганда кўнгли бузилганини ёки тутун кирди-ми, кўзлари ёшланди.

— И-е, ҳа оғайни, сенга нима бўлди?

икки марта қаттиқроқ гапириб юборувди, ўзимни ушлаёлмадим. Қанақа қилиб кўл кўтарганимни сезмай қолибман. Шу баҳона бўли-ю, судга ариза берди. Ажрашдик. Хуллас, ҳозир унинг ёнида биттаси пайдо бўлибди. Гоҳида ётиб ҳам қолар экан. Эшитиб, чидай олмадим.

Суннат шуларни гапирар экан, кўзларида ёш ҳалқаланди. Пиёлага ароқдан тўлдириб қўйди. Титроқ қўллари билан пиёлани маҳкам қисиб ушлади-да, бир кўтаришда ичиб юборди. Лабини енгди билан артиб, чуқур хўрсинди. Сигарет олиб тутатди. Кейин бошини бир томонга қийшайтириб, кўзларини олайтирганча Воҳидга тикилди:

— Биласанми ўртоқ, мен нима қилдим? Билмайсан! Хотиним билан учрашдим. «У-в-в, хотин. Ярашайлик», дедим. Кўнмади.

«Унақада мен билан ўзингни ўйламасанг ҳам, қизларимизни ўйлагини. Алоҳида уй олиб бераман. Фақатгина ўшани яқинлаштирмасанг бўлгани», деб ҳам кўрдим. Қайсарлик билан «йўқ» деди, қўйди. Одамга энг алам қиладигани-чи, эркак бошим билан унга ялиниди-а?! Шунчалар ҳам алоҳиқ бўламми? Бошим қотиб қолди. Бошларимга ачинаман, холос. Бўлмас-ку...

— Дардинг оғир экан, оғайни. — Воҳид гап бошлади-ю, аммо нима деб Суннатнинг кўнглини кўтаришни билмади. Орага жимлик чўкди.

Воҳид қўлидаги пиёлани айлантириб, томоша қилганча чўзиб, «д-д-а», деб, бироз ўйлашиб турди-да, бирдан Суннатнинг қўлини ушлаб, маҳкам сиқди:

— Вей, менга қара! Сени тушунмаяпман. Қанақа қилиб чидай юрибсан? Ўша бола билан гаплашиб кўрмадингми?

— Уриниб кўрдим. Фойдаси йўқ. Анча қабувват. Уйлаб кўрсам, бир ўзимнинг кучим етмас экан.

— Шунақами, ҳ-м-м. Яхши бўлмабди. Менга қара, агар бирор ёрдан керак бўлса, бемалол, айтавер. Қўлимдан келган ёрданми аямаяман. Мени биласан-ку!

Суннат индамади. Нимаям дерди. Воҳиднинг қўлидан нима ҳам келарди. Ёки биргалашиб ўша йигит билан яна бир марта гаплашиб кўришни сўрасин-ми?

Унинг фикрини Воҳиднинг гапи тўзғитиб юборди.

— Биласанми Суннат? Хоҳласанг битта иш қиламиз. Аммо жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўргин.

— Нима демоқчисан?

— Балки ўша сўтакни орадан олиб ташлармиз?

— Нима-а? Қанақа қилиб? Э-эй, бўлмади бу иш.

— Нимага бўлмайди? «Шесть секунд»лик-ку бу! Менга қара, биттаси бор. Охири пайта «соққа»дан қўйилиб юрибди. Нима десанг, кўнади. Бундан уч ой олдин эллик минг қарз олган эди. Ҳали қайтаргани йўқ-ку, кеча яна йигирма минг сўраб келибди.

«Олдингисини қачон қайтарасан», десам, «оласиз-де», дейди, кўзини лўқ қилиб. «Олдин қарзингни тўлайсан, кейин гаплашамиз» дедим. Ўн кун муҳлат бердим. Жаҳл билан чиқиб кетди. Агар хўп десанг, ўша билан гаплашиб кўраман.

Ҳозиргина ароқнинг таъсирида қип-қизариб ўтирган Суннатнинг ранги оқаринкиради. Юпқа лаблари билинар-билинмас тит-

**Эълон**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МУАССИСЛИГИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «HUQUQ» ЮРИДИК ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Газетани янада сифатли, замон талабларига мос чоп этишни кўзлаб ҳамда кўп сонли муштарийларнинг талабини инobatта олган ҳолда наشري тўрт (4x4) рангда чоп этишни режалаштирган.

Шу мақсадда пойтахтдаги босмаҳоналарни ҳамкорликка чорлаймиз.

Мурожаат учун тел: 233-98-40; факс: 233-10-53

**Huquq**  
yuridik gazeta

**Та'сисчиси:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'itib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.  
E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farganligi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Γ — 255. 27486 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV**  
**Musahhifi: A.MUSTAFOMOVA**

Gazeta «Sharq» NMK boshxonasida o'set usulida chop etildi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 12345678

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**